

12-01/27-son

2 aprel 2026 yil.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш
бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиш

Б А Ё Н И

2026 йил "30" март

Навоий шаҳри

Йиғилиш раиси:

вилоят ҳокими, ҳудудий комиссия раиси
Н.Турсунов

Таклиф этилган:

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари,
ҳудудий комиссия аъзолари, масалага
алоқадор идоралар раҳбарлари, туман
(шаҳар) комиссия аъзолари
(видеоконференцалоқа орқали)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигининг 2026 йил 25 мартдаги 02-05-401-сон топшириғи ижроси тўғрисида;

2. 2026 йилнинг 1-чораги давомида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) комиссия аъзолари томонидан олиб борилган ишлар сарҳисоби, вилоят ҳудудида содир этилган наркожиноятлар таҳлили;

3. Жорий йилнинг февраль ойида вилоятда ўтказилган "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш тезкор-профилактик тадбирлар ойлиги"ни яқунлари муҳокамаси.

(Н.Турсунов, комиссия аъзолари, ..., Н.Турсунов

Йиғилишни вилоят ҳокими Н.Турсунов кириш сўзи билан очиб, йиғилиш иштирокчиларини кун тартибига қўйилган масалалар билан таништирди.

Биринчи масала бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги (кейинги матнларда - Агентлик) ходимлари томонидан жорий йилнинг 18-21-февраль кунлари вилоятда ўтказилган текшириш натижасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича ҳудудий, туман ва шаҳар комиссиялари, уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятида бир қатор камчиликлар аниқланган.

Жумладан, агентликнинг 2026 йил 25 мартдаги 02-05-401-сон хатида қайд этилган камчиликларга бирма-бир тўхталиб ўтилди ва фаолиятида камчиликларга йўл қўйган туман, шаҳар комиссиялари ҳамда вилоят комиссияси таркибига кирувчи ташкилот ва корхоналар раҳбарларига сўз берилди.

Иккинчи ва учинчи масалалар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73-сон Фармони ҳамда 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркотиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг 2025 йил 20 ноябрдаги 284-5-0-Q/25-сонли қарори ҳамда назорат режаси ишлаб чиқилиб ижрога қаратилди.

Шунингдек, вилоятда гиёҳвандлик ва наркотиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026-йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар дастури, дастурда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи таркиби ҳамда 2026-йилнинг 1-чорагига мўлжалланган “йўл харитаси” тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврига қадар (20 мартга қадар) ўтказилган тезкор -қидирув тадбирлари давомида гиёҳвандлик моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жами 88 (82) та жиноий ҳолатлар аниқланган.

Маълумот учун: Навоий шаҳрида 31 та (30), Карманада 17 та (3), Хатирчида 11 та (6), Учқудуқда 7 та (2), Навбаҳорда 7 та (7), Зарафшонда 6 та (3), Қизилтепада 5 та (6 та), Нуротада 2 та (7 та), Конимехда 1 та (0), Томдида 1 та (1 та) ва Ғозгонда 0 та (3 та) ташкил этади.

Уларнинг, 51 (48) таси ўтказиш, 23 (28) таси сақлаш, 3 (2) таси жалб этиш, 3 (1) таси етиштириш, 8 (3) таси кучли таъсир қилувчи моддаларни муомалага киритиш, каби жиноятларни ташкил қилган.

Аниқланган ҳолатлардан жами 3 кг 21 грамм (3 кг 917 гр) гиёҳванд моддалари олинган.

Аниқланган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноий ҳолатларга қўл урган жами 81 нафар шахсларнинг 24 нафарини муқаддам судланганлар, 22 нафарини ёшлар, 3 нафарини аёлларни, 2 нафарини тиббиёт ходимлари (*вояга етмаган, ва талабалар аниқланмаган*) ташкил этган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида (20 мартга қадар) жами 7 (8) та гиёҳвандлик билан боғлиқ маъмурий ҳолатлар аниқланиб, жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Маълумот учун: Карманада 3 та, Конимехда 2 та Навоий ш ва Хатирчида 1 тадан ҳолат аниқланган.

Вилоятда наркографитти билан 17 та ёзувлари аниқланган.

Ўтган давр давомида 9 нафар гиёҳвандликка чалинган шахслар ҳисобга олиниб, мазкур тоифадаги шахсларнинг бирортаси ҳисобдан чиқарилмаган.

Ҳозирда ҳисобда турган 217 нафар гиёҳвандликка чалинган шахслар билан профилактик чоралар амалга оширилиб, уларнинг 9 нафари мажбурий даволаниш муассасасига жойлаштирилган.

Жорий йилнинг 1 февраль кунидан 1 март кунига қадар вилоятда **“Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишини олдини олиш”** тезкор-профилактик тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида, таълим муассалари ҳамда маҳаллаларда жами 748 маротаба учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилган.

Шундан, олий ўқув юртларида 5 маротаба, коллеж ва лицейларда 22 маротаба, умумтаълим мактабларида 357 маротаба, вилоят ўқув тарбия муассаларида 13 маротаба, ққув марказларида 41 маротаба, маҳаллаларда 310 маротаба.

Мазкур таълим муассалари таҳсил олаётган 27.030 нафар ёшлар ва 17.040 нафар вояга етмаганлар ҳамда 13.500 нафар уларнинг оила аъзолари билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, иштирокчиларга “Бадал”, “У ўлмади аммо тирик ҳам эмас” ва “Оғунинг минг бир қиёфаси” каби видеофилмлар намойиш этилди.

Ўтказилган учрашув ва давра суҳбатларида “Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз” шиори илгари сурилди.

Тадбир давомида, вилоятнинг 367 та умумтаълим мактабларига, 5 та хусусий мактабларига, 25 та касбий таълим ташкилотларига ва 2 та академик лицейларига гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг салбий оқибатларини ёритувчи кўргазмали бурчаклар ва гиёҳвандлик моддасини ноқонуний муомиласини аниқлаш бўйича аноним қутиси ташкил этилиб, таълим муассасасининг кириш қисмига илиб қўйилган.

Тадбир давомида, наркожиноят содир этган 103 нафар, наркотик моддасини истеъмолчи сифатида рўйхатда турган 217 нафар шахслар билан яқка тартибда суҳбат ўтказилган.

Тадбир юзасидан ёшлар орасида гиёҳвандликнинг жирканч оқибатлари тўғрисида фикрларни шакллантириш учун кўрказмали 4 турдаги баннерлар ва 8 турдаги плакатлар тайёрланиб аҳоли гавжум жойларига ва профилактик йиғилишларда намоиш этилди.

Тадбир давомида, жами 40 та гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар аниқланиб, жами 2 кг 27 грамм гиёҳвандлик воситалари олинган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 мартдан 1 апрелгача 1-босқич “**Хавфсиз ва соғлом юрт**” кенг қамровли тезкор профилактик тадбири ўтказилмоқда.

Тадибир давомида 143 та ҳолат аниқланди.

Шундан, 2 та ҳолатда 3 туп гиёҳвандлик ўсимликлари олинди, 128 та ҳолатда 4 кг 46 гр гиёҳвандлик воситалари олинди, 12 та ҳолатда 5448 дона психотроп дори воситалари олинди, тадбир бошидан 52 та “тинтув” тадбирларида 985 гр гиёҳвандлик воситалари ва 570 дона кучли таъсир қилувчи дори воситалари олинди, 35 та жиноят иши қўзғатилди, 31 нафар шахслар жавобгарликка тортилди.

Шундан сўнг, йиғилишда ҳудудий ва туман (шаҳар) комиссия аъзоларининг ҳисоботлари тингланди.

Вилоятда жиноятчиликни жиловлаш, криминоген вазиятни барқарорлигини таъминлаш, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш, аҳолида гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигининг 2026 йил 25 мартдаги 02-05-401-сон хати муҳокама қилинган деб ҳисоблансин.

2. Кун тартибидаги масалалар бўйича масъул раҳбарларнинг берган ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий комиссия раиси ўринбосари Ж.Ходжаев **уч кун муддатда** Агентликнинг 2026 йил 25 мартдаги 02-05-401-сон хатида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тайёрлаб, тасдиққа киритсин.

4. Кармана (Болтаев), Қизилтепа (Бобомуродов), Хатирчи (Адизов), Томди (Умаров) туманлар ҳамда Зарафшон шаҳар (Рахмонов) комиссиялар фаолиятида камчиликларга йўл қўйган масъулларнинг жавобгарлик масаласини ўрнатилган тартибда ҳал этсин ва натижасини **уч кун муддатда** вилоят ҳокимлигига маълум қилсин.

5. Туман (шаҳар) ҳокимлари, идора ва корхоналар раҳбарлари ушбу йиғилиш баёни иловасида қайд этиб ўтилган камчиликларни зудлик билан бартараф қилиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига **жорий йилнинг 10 апрель кунига қадар** ёзма равишда ахборот берсин.

6. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) комиссия аъзоларининг **2026 йилнинг 3 ойи давомида** олиб борилган фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

7. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Тасбаев)га:

маҳаллаларда содир этилаётган ҳар бир наркожиноятларнинг муҳокама этилишини шахсан назорат қилиб бориш;

маҳаллаларда аҳоли ўртасида кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда наркожиноятларни олдини олиш юзасидан аҳоли билан тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) комиссия аъзоларининг фаолияти тўғрисида комиссия раисига мунтазам равишда танқидий маълумотлар киритиб бориш топширилсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий комиссия раиси ўринбосари (Ж.Ходжаев), вилоят ИИБ (А.Тасбаев), туман (шаҳар) комиссия раисларига:

ҳар ҳафта пайшанба куни ўтказиладиган “Раҳбар ва ёшлар учрашуви куни”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасидаги тадбирларга “маҳалла еттилиги”, ҳудудий ички ишлар ва бошқа алоқадор идоралар раҳбарлари ва кенг жамоатчиликни фаол жалб қилган ҳолда аҳолида гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш юзасидан манзилли тушунтириш-тарғибот ишларини олиб борсин;

ҳар чорак якуни билан, маҳаллаларда наркожиноятларни олдини олиш юзасидан манзилли чора-тадбирлар дастурларини сифатли ишлаб чиқиб, уларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш чораларини кўрсин;

шунингдек, қуйидаги топшириқлар ўз вақтида бажарилишини таъминласин:

ҳудуддаги нарковазиятни соғломлаштириш;

жойлардаги бошқармалар (бўлимлар), туман (шаҳар) комиссиялари фаолиятини ўрганиш;

аҳолининг кенг қатлами, жумладан, ёшлар ва аёллар огоҳлигини оширишга қаратилган тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш;

таълим муассасаларида профилактик огоҳлантирув тадбирларини ташкил этиб бориш;

таълим муассасаларида тарбиявий ишларга масъул бўлган ходимларнинг гиёҳвандлик ва наркожиноятлар профилактикаси борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш;

“Маҳалла еттилиги” кўмагида уюлмаган ёшларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш;

наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этиб, жазо ўтаётган ёки жазони ўтаб чиққан шахсларни ижтимоий ҳаётга қайтариш чораларини кўриш;

тезкор-профилактик ойликлар ташкил этиб бориш ва якуни бўйича Давлат комиссиясига ҳисоботлар тақдим этиб бориш;

туман (шаҳар) комиссиялари томонидан ўтказилган йиғилишлар, унда белгиланган топшириқлар ва уларнинг бажарилганлиги ҳолатини ўрганиб бориш;

вилоятдаги наркология муассасалари ҳамда ХМҚОларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича комиссия раисига асослантирилган таклифларни киритиш.

9. Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда камида бир маротаба гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг йиғилишларини ўтказиб, уларда комиссия аъзолари томонидан олиб борилаётган ишларни танқидий кўриб чиқилишини таъминласин;

комиссиялар фаолиятида аниқланган муаммоли масалаларнинг ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2024 йилги ПФ-73-сон ҳамда 03.11.2025 йилги ПФ-207-сон Фармонларида белгиланган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкиллаштирсин.

10. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Л.Қаюмов), вилоят спорт бошқармаси (Ж.Муртазаев), ички ишлар бошқармаси (А.Тасбаев) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида наркожиноятлар содир этилишини олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ҳудудий давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ҳамда таълим муассасаларининг ички ишлар органлари билан узвий ҳамкорлиги асосида:

маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2022 йилдаги ПҚ-92-сонли Қарори асосида) йўлга қўйилган чора-тадбирлар изчиллик билан давом эттириш, биринчи галда ёшларнинг мавжуд муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимига асосий эътиборни қаратсин;

ёшлар орасида наркожиноятлар содир этиш эҳтимоли мавжуд бўлганлари билан индивидуал ёндошган ҳолда уларни ўқитиш, тарбиялаш, меҳнатга ўргатиш, уй билан таъминлаш, жамиятда уларни ўз ўрнини эгаллаши ва тўғри йўл танлашларида амалий ёрдам кўрсатсин;

вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида, ҳокимликлар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда уларни мактаб, лицейлар, ёшлар маркази ва спорт мажмуаларида ташкил этилган тўғаракларга тўлиқ жалб этиш, шунингдек ёшларни касб ёки ҳунармандчиликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий комиссия раиси ўринбосари (Ж.Ходжаев):

алоқадор идоралар ва туман (шаҳар) комиссиялари билан биргаликда жорий йилнинг февраль ойи давомида вилоятда “Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш тезкор-профилактик тадбирлар ойлиги”ни юқори савияда ўтказилишини ва тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилишини таъминласин;

ҳар ойда ҳудудий комиссия аъолари, ҳамда туман (шаҳар) комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.11.2025 йилги ПФ-207-сон Фармонида белгиланган устувор вазифаларнинг соҳалар ва ҳудудлар кесимида ижроси юзасидан ҳисоботларини эшитилишини, натижадорлиги бўйича танқидий муҳокамалар ўтказилишини ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чораларини кўриш юзасидан вилоят ҳокимига таклифлар киритилишини таъминласин;

ҳар ой якунида Фармонда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасида қилинган аниқ ишлар ҳамда Миллий дастурнинг ижроси юзасидан ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигига киритиб борсин.

12. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича ҳудудий комиссия масъул котиби (У.Шарипов) ҳудудий комиссиянинг ҳар чорак якуни бўйича йиғилишларини такшиллаштириб борсин, шунингдек туман (шаҳар) комиссиялари фаолияти ҳар чоракда мувофиқлаштириб бориб, натижаси тўғрисида Давлат комиссиясига маълумот киритиб борсин.

13. Мазкур йиғилиш баёнининг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж.Ходжаев ва вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Тасбаев зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



У.Шарипов